


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60410600 – Суғурта иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- ALSKOM акциядорлик суғурта компанияси

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60410600-Сугурта иши</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60410600-Сугурта иши</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларини тайёрлаш ваколоти.....	4
1.1.3.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60410600-Сугурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60410600-Сугурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60410600-Сугурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60410600-Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60410600-Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
1.2.5.	Таълимни давом эттириш имкониятлари.....	6
2.	<i>60410600-Сугурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	8

1. 60410600-Суғурта иши бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60410600 - Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60410600 – Суғурта иши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *60410600-Суғурта иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли

давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60410600-Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60410600-Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60410600 – Суғурта иши бакалаврият таълим йўналиши – иктисодиёт ва молия соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у ўз ичига суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тизимида суғурта ишини ташкил этиш, молия органларида суғурта фаолиятини тартибга солиш, режалаштириш ва прогноз қилиш, уни ривожлантириш бўйича ишлар олиб бориш, суғуртанинг мажбурий турларини тартибга солиш, илмий – тадқиқот муассаслари ва жамоат бирлашмалари; давлат бошқарув органлари фаолият кўламини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгартирилган бўлиши мумкин.

1.2.2. 60410600 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи давлатнинг ваколатли органи, суғурта ва қайта суғурта ташкилотлари ва суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари ҳамда суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги суғуртага оид муносабатлар, суғурта назорати ҳамда суғурта фаолияти билан боғлиқ ҳисоботлар

жараёнлари мажмуаси ҳисобланади,

1.2.3. 60410600 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- суғурта ишини ташкил этиш;
- қайта суғурта ишини ташкил этиш;
- суғурта даъволарини бартараф этиш;
- инвестицион фаолиятни ташкил этиш;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида)

фаолият.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60410600 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410600 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- ташкилотлар ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптимallasштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи хизмат кўрсатувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, хизмат кўрсатиш жараёнида сифатни бошқариш;
- ташкилотлар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда ва ишни ташкил этишда фойдаланиш, хизмат кўрсатиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилиш;
- хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- ташкилотнинг ички хужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий ташкил этиш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини замонавий ташкил этиш ва бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларда ишни ташкил этиш ва замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

60410600 – Суғурта иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 60410600 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган фискал-бюджет сиёсатини амалга ошириш;
- суғурта конунчилигига риоя қилинишини, солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловларнинг туғри ҳисобланишини, уларнинг тулиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта мукофотлари тушумини таъминлаш бўйича бизнес-режаларнинг бажарилишини таъминлаш;

- самарали сотиш каналларидан фойдаланган ҳолда суғурта турлари ҳажмини кенгайтириш;

- суғурта хизматларининг зарарлилик даражасини камайтиришга йўналтирилган тариф сиёсати ва қайта суғурта хизматларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

-суғурта фаолияти қамровини кенгайтириш мақсадида аҳоли қатламлари ва хўжалик юритувчи субъектларга зарур имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- суғурта хизмати органларида суғурта фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва прогнозлаштириш, ҳудудий суғурта бозорларининг суғурта салоҳиятини аниқлаш;

- суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, суғурта захираларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича мажбурий ва норматив талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича белгиланган норматив ва талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

- суғурта бозорининг ҳолати ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, масофавий назорат қилиш ва тезкор онлайн-мониторингини олиб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

- Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- суғурта бозорининг ишлаши ва унинг профессионал иштирокчилари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини, шу жумладан суғурта фаолияти соҳасидаги статистик ва молиявий кўрсаткичларни мунтазам эълон қилиб бориш;

- суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг суғурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суғурта маданиятини ошириш;

- суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан чет элда, шунингдек халқаро даражадаги экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этишга қўмаклашиш;

- суғурта компаниясининг суғурта ҳамда ташкилий фаолиятини ташкил этиш, унинг суғурта қонунчилиги талабларига жавоб беришини ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш, олинган суғурта жавобгарликлари бўйича зарарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қопланишини таъминлаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Назорат-тафтиш фаолиятида:

- суғурта ва қайта суғурта ташкилотлари ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари, суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунчилик талаблари, бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, қонунчиликда белгиланган ҳисоботларнинг тақдим этилиши билан боғлиқ талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йуналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда битирув малакавий ишлар тайёрлаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл

илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;

– амалий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш *қобилиятларига эга булиши лозим.*

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга булиши лозим.*

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети


Ректор  К. Шарипов

202_ йил « _____ » _____



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Вазирнинг биринчи
ўринбосари  О.Насритдинходжаев

202_ йил « _____ » _____
М.Ў.


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М. Эсанов

202_ йил « _____ » _____



Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта
бозорини ривожлантириш агентлиги

директори  К.Талипов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.


Тошкент молия институти

Ректор  Т. Тешабоев

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

"ALSKOM-VITA" суғурта компанияси
МЧЖ бош директори

 Ф.Хасанов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

"KAFIL-SUG'URTA" суғурта
компанияси МЧЖ бош директори

 Ф.Артиков

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.